



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ГЕРМАНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери
Олаф Шольцнинг таклифига биноан 28 сентябрь куни
ташриф билан Берлин шаҳрига келди.

“Берлин-Бранденбург” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Берлин федерал ўлкаси ички ишлар, рақамлаштириш ва спорт вазири Ирис Шпрангер ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

29 сентябрь куни Ўзбекистон етакчи-си Марказий Осиё ва Германия давлат

рахбарлари саммитида иштирок этади, Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер ва Федерал Канцлер Олаф Шольц билан музокаралар ўтказди.

Ташриф дастуридан ишбилармонлик тадбирлари ҳам урин олган.

ЎзА

ГЕРМАНИЯ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ТАЙЁР



Германиянинг FAZ.NET, Tagesspiegel, ZEIT ONLINE, Mittelbayerische Zeitung, Thüringer Allgemeine, Handelsblatt, BoersenNEWS, Neue Westfälische, Nordbayern, Nordsee-Zeitung, Weser Kurier ва бошқа етакчи босма ва электрон нашрлари ГФР ва Марказий Осиё давлатлари Президентларининг Берлинда бўлиб ўтадиган учрашуви тўғрисида хабар тарқатди.

Немис нашрларининг таъкидлашича, 29 сентябрь куни Марказий Осиё собик совет республикаларининг барча беш раҳбари Германия Федерал канцлери Олаф Шольц ва Федерал президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан музокаралар ўтказиш учун илк бор Берлинда йиғиладилар.

Тарқатилган хабарларда Германия Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтириш ниятида экани маълум қилинган. Олаф Шольц илк бор Марказий Осиёнинг барча беш давлати раҳбарлари билан 29 сентябрь куни канцлер идорасида қўшма форматда учрашади. Биргаликда тушликдан сўнг икки томонлама музокаралар ўтказилиб, унда минтақавий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинади.

Маълумотларга кўра, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Германия иқтисодиёти Шарқий кўмитаси форумига ҳам таклиф этилган. Европа Иттифоқи бу беш мамлакатга муқобил ҳамкорликни таклиф қилади.

Расмий хабар Германия Федерал президенти веб-сайтида ҳам эълон қилинган. Унда қайд этилишича, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон раҳбарлари билан учрашув Германия Федерал Президентининг Бельвю қароргоҳида бўлиб ўтади.

ОАВ хабарларига кўра, учрашувдан олдин Бельвю саройига кираверишда анъанавий биргаликда суратга тушиш маросими бўлиб ўтади.

“Дунё” АА



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ЭРКИНЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ҲУҚУҚЛАРДА ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ БИРОДАРЛИК РУҲИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Ҳар қандай мамлакатнинг демократик ва инсонпарварлик йўли фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани билан характерланади. Шу боис, мамлакатлар тарихий ривожланиш жараёнида инсон ҳуқуқларига оид ўз қонунлари тизимини яратган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам бу тамойил ўз аксини топган. Жумладан, ҳужжат муқаддасида инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва улар-

нинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси экани эътиборга олинган.

Давоми 2-бетда



ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА
ЭШИК ОЧАДИ

2

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Ўзбекистон ва БМТ: ГЛОБАЛ МУАММОЛАРГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ОДИМЛАРИ



Президент Шавкат Мирзиёев АҚШга амалий ташрифи доирасида қатор муҳим учрашувлар ўтказди, нуфузли тадбирларда иштирок этди. Жумладан, 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессияси умумий дебатларида нутқ сўзлаб, минтақавий ва глобал кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ўз қарашларини баён этди.

БМТда Ўзбекистон ташаббуслари

Кейинги йилларда Ўзбекистон глобал муаммоларнинг халқаро миқёсда ҳал этилиши жараёнида фаол иштирок этмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси сессияларидаги ташаббусларимизнинг қисқача хроникаси шундан далолат беради.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишида илк бор сўзга чиқиб, янги раҳбариятнинг мақсадлари мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантиришга, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислохотларга ва Марказий Осиё мамлакатларига устувор аҳамият қаратишга йўналтирилганини таъкидлаган эди. Шунингдек, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклиф қилиниб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббуси илгари сурилганди.

Давоми 3-бетда



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



ЖАВПАЯ МЎЪЖИЗАСИ

Сўх туманининг тош-шағалдан иборат, кимсасиз Жавпая ва Қайроқ массивларида кўркем боғ-роғлар бўлади, сархил мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади дейишса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун бу ҳақиқатга айланди.

Худудга келган киши кўз илғамас кенгликларда ястанган боғу роғларга ошфута бўлади. Шу кунга қадар бу жойлар ҳеч нарса экилмаган қуруқ ер эди. “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди” иборасига монанд қақраб ётган худудларга янги ҳаёт нафаси олиб кирилди.

Айтишларича, аввал ҳам бу ерларни ўзлаштириш ҳаракатлари бўлган. Лекин етарли маблағ ва ташаббус йўқлиги сабаб бу ҳаракатлар хомхаёл бўлиб қолаверган.

Қишлоқ ҳўжалигидаги амалий ислохотлар натижасида янги ерларни ўзлаштириш бўйича мисли қўрилмаган лойиҳалар амалга оширилди. Янги қудуқлар ва ҳовузлар қазилиб, қир-адирларга обиҳаёт кириб борди. Эрта кўкламда яхши ниятда экилган кўчатлар япроқ ёйди, сархил сабзавот экинлари ҳосилга кирди. Бу айтишга осон. Аммо унинг замирида ҳалол меҳнат, изланиш, интилиш ва фидойилик мужассам.

Давоми 2-бетда



ЭЪТИРОФ

ТАДБИРКОРЛИК ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Бандихонда Учқоп деган тоғ бор. Унинг этаклари адоқсиз дашту дала. Кўклам пайти лолақизгалдоғу ўт-ўланларга бурканган кезде гўзалигидан кўз қувнайди, дил яйрайди. Лекин орадан кўп ўтмай, ана шу табиий гўзаллик ўз ўрнини яйдоқ даштга, жазирамада қовжираб ётган хасу хашакка бўшатиб беради. Чунки бу ерлар асрлар мобайнида сувга ташна бўлган дашту биёбон дейилиши ҳам шундан. Отанам тақдир тақозоси билан ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ана шу тоғ этагидаги қишлоққа кўчиб келган. Ёшлимиз шу кенгликларда ўтган.

Ота-боболаримиз каби менинг ҳам қўлим дехқончиликда қаварган. Ҳар гал йўлим адирликка тушганда сув чиқариб, боғ қилса бўлмасмикан, деган фикр хаёлимдан ўтарди. Чамалаб, ҳисоб-китоб қилдим. Дала тупроғини ўргандим, мутахассислар билан маспахатлашдим ва даштда боғ яратишга аҳд қилдим. Россиялик ҳамкорим молиявий қўллаб-қувватлаб, ерларни ўзлаштиришга ўз хиссасини қўшишга розилигини билдирди. Уч йил олдин ҳамкорликда “Хўжайпок Тошкент” қўшма корхонасини ташкил этдик. Аукциондан 20 гектар ерни сотиб олдик.

Давоми 4-бетда



1 ОКТАБРЬ — Ўқитувчи ва
мураббийлар кўни

ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР!

“МАКТАБ БОБОСИ”
БЎЛГУНЧА БОСИБ ЎТИЛГАН
ЙЎЛ ШУҚРОНАСИ

5

ҲАММА БИЛМАЙДИГАН СИР

ЁХУД ЎҚИТУВЧИЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҚАНДАЙ САҚЛАБ ҚОЛИНГАН ЭДИ?

Ҳар бир инсон дунёга келиб, ўсиб-улғайиб, ўқиб-ўрганиб, муайян касб-хунарга эгаси сифатида қаерда, қандай вазифада ишламасин, эришган ютуқлари учун унга таълим-тарбия ва ҳаёт сабоғини берган устозларининг машаққатли меҳнатини ҳамиша эътироф этади.

Давоми 5-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

ЭРКИНЛИК, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ҲУҚУҚЛАРДА
ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ БИРОДАРЛИК РУҲИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ

Абира ХУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) Бухоро вилояти минтақавий вакили



Бошланиши 1-бетда

Бежиз шундай эмас, чунки адолатли жамиятнинг бош тамойили ҳам инсон туғилиши билан тақдим этиладиган табиий ҳуқуқларини таъминлашдир. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари деганда, шахснинг давлатдаги юридик мақомини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва барча ҳуқуқий кафолатлари ҳамда эркинликлари мажмуи тушунилади.

Бу тушунчага Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 40 йиллиги муносабати билан нашр этилган “Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар” рисоласида янада аниқлик киритилган: “**Инсон ҳуқуқлари — уларсиз ҳаёт кечирish мумкин бўлмаган, бизнинг барча инсоний, туғма ва табиий ҳуқуқларимиздан иборат. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари бизга ўз истеъдодимиз, ақл ва виждонимиздан мукамал фойдаланиб, ўзимизнинг барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имкон беради**”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири ҳам инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари, ирки, жинси, тили ва этникидидан қатъи назар, ҳамма бир хилда ҳурмат қилинишини рағбатлантириш ва ривожлантиришдир. 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан том маънода тарихий аҳамиятга эга муҳим ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эълон қилинди.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 30 сентябрида қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳам шу декларация эди. Бу Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя этиш ва кафолатлаш бўйича ҳақиқий мақсадларини аңлатади.

Инсон ҳуқуқларига оид БМТ томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош Ассамблеяси томонидан 160 дан, ЮНЕСКО томонидан 70 дан, ЕХҲТ

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколининг бевосита иштирокчиси. Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг модели, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги шакллантирилди.

томонидан 30 дан ортиқ халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинган. Маълумотларда келтирилишича, ҳозирги пайтда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколининг бевосита иштирокчиси. Миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг модели, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги шакллантирилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжат-

ларда инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш масаласига катта эътибор қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямизда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон экани ёрқин мужассамлаштирилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг бутун мазмун-моҳияти ўз аксини топди.

Жумладан, Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий, ҳуқуқий давлат сифатида эътироф этилди. “Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадр” тушунчаси билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизда, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиб беради. У ижтимоий тафавутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Ушбу нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келади. Жумладан, декларациянинг 1-моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар”, 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”, 4-моддасида “Ҳеч ким қуллик ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг

барча турлари тақиқланади”, дея таъкидланади.

Ижтимоий давлатда меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланади. Унинг муносиб ҳаёт кечирishi учун етарли миқдордаги иш ҳақи белгиланади. Ишчи учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилади, ишсизликдан ҳимояланиш, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари реал амалга оширилади. Боплар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Албатта, бу масалаларнинг дастлабки ҳуқуқий асоси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари тизимида таълим олиш ҳуқуқи жуда катта аҳамият касб этади. Жамиятни модернизация қилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, келажаги буюк давлатни барпо этиш, биринчи навбатда, таълим олиш ҳуқуқига бўлган муносабат масаласига боғлиқ.

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, имплементация қилинаётган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланилаётган хоризх тажрибаси, ёшларнинг билим олиши учун яратилаётган имкониятлар, миллий қонунчилик тизими такомиллаштирилаётгани ҳам айнан шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятли.

Декларацияда таълимнинг бир қатор устувор мақсадлари белгиланган. Инсон шахсияти ва унинг қадр-қиммати тўла ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш, эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлиш имкониятини яратиш, барча миллатлар, этник ва диний ғуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўстликка қўмаклашиш шулар жумласидан.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Пировардида “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз”, деган улуғвор мақсад шаклланди ва “Жамият — ислохотлар ташаббускори” ғояси кундалик фаолиятимизга сингиб бормоқда. Бу мақсадларга эришишда инсон ҳуқуқлари ҳимояси алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу нормалар Ўзбекистон миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топди. Мамлакатимиз ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб, узлуксиз таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини мустаҳкамлаб қўйди.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон шароитида инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни амалга ошириш, айниқса, аёллар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига конституциявий мақом берилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмининг қонуний асосларини шакллантириш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мазмун-моҳиятига тўла мос келади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Пировардида “Янги Ўзбекистонни биргаликда барпо этамиз”, деган улуғвор мақсад шаклланди ва “Жамият — ислохотлар ташаббускори” ғояси кундалик фаолиятимизга сингиб бормоқда. Бу мақсадларга эришишда инсон ҳуқуқлари ҳимояси алоҳида аҳамият касб этади.



ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА
ЭШИК ОЧАДИ

Пойтахтимизда USAID ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорликда “Савдо олами: тенденциялар ва динамика” мавзусида минтақавий анжуман ташкил этилди.



Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари мутасаддилари, USAIDнинг юрти-миздаги миссияси директори Дэвид Хофман, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти бош директори ўринбосари Сян-чэнь Чжан иштирок этди.

Мазкур анжуманнинг Ўзбекистон ва минтақа давлатлари учун аҳамияти юқори. Бинобарин, бугунги кунда турли геосиёсий ҳамда геоиқтисодий вазиятлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари глобал савдо-сотиқ ишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан олганда, дунё бозоридаги ўзгаришларни таҳлил қилиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш, истиқбол режаларини ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди. USAID бу борада ўз қўмақларини тақлиф этади.

Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тўзилма. Маълумотларга кўра, дунё савдосининг 95 фоизи унга аъзо 164 мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Эркин ва шаффоф савдо муносабатларини тартибга солиш ва уни кенгайтириш орқали аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ташкилотнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шу маънода, мазкур ташкилотни халқаро тижорат учун қулай ҳуқуқий тизимни тақдим

эта оладиган катта имконият эшиги, десак ўринлидир. Бу эса юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мақсади-га тўлиқ мос келади. Унга аъзо бўлишнинг афзалликлари кўп. Жумладан, бу орқали тўсиқларсиз ўзаро маҳсулот айирбошлашга эришилади. Натижада одамларда сифатли маҳсулот истеъмол қилиш имконияти ошади. Турмуш даражаси янада яхшиланади. Шунингдек, миллий ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, бюджетга пул тушумлари кўпаяди. Савдонинг либераллашуви эса мамлакат даромадларини оширади.

Бугунги кунда мутахассислар Ўзбекистоннинг ЖСГга аъзо бўлиш имкониятларини юқори баҳолаяпти. Бу кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли туризмнинг ривожланиши, интеграциялашув имкониятларини ортиси, турли нота-риф чекловларнинг камайиши, иқтисодиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўпаяётгани, давлат монополияси қисқараётгани билан изоҳланади.

Президентимиз яқинда АҚШга сафари давомида Жаҳон савдо ташкилоти бош директори билан учрашувда ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, мамлакатимиз ўз олди-га ўрта ва узоқ мuddатли ривожланиш бўйича қўйган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ташкилотга қўшилиш муҳимлигини кайд этди.

— Анжуманда жаҳон ва Марказий Осиёда савдо тенденциялари қандай кечмоқда, бу бўйича қандай ўзгаришлар бўляпти, деган саволлар муҳокама этилди, — дейди Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси бошқаруви раиси Муҳтор Умаров. — Бугунги геосиёсий, геоиқтисодий ҳолатларга эътибор қаратадиган бўлсак, савдо тартиблари, транспорт-логистика масалалари ўзгариб бораёпти. Минтақа мамлакатлари савдо диверсификациясига, дунё бозорига чиқишда яна қайси жиҳатларга кўпроқ аҳамият қаратиши лозимлиги хусусида сўз юритилди.

Сессияларга бўлинган ҳолда ишини давом эттирган анжуманда Осиё тараққиёт банки, Европа Иттифоқи, БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашиб, юқоридаги каби масалалар юзасида фикр алмашди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ИСЛОҲОТЛАР САМАРСИ



Бошланиши 1-бетда

Бугунга қадар Сўх туманида 2 минг гектардан ортиқ янги ер ўзлаштирилди. Бу янги иш ўринларини яратиш, турфа мева-сабзавот етиштириш имкониятини бермоқда. Биргина Қайроқ массивидаги 1500 гектар ерни ўзлаштириш мақсадида давлат ҳисобидан умумий қиймати 91,7 миллиард сўм бўлган икки кўтармали Қайроқ насос станцияси қуриб битказилди. Янги иншоот самараси туфайли 1500 метр баландликка сув чиқарилиб, олма, ёнғоқ, малина, доривор гиёҳлар экилди, ҳудуддаги ишсиз ёшлар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 50 сотихдан ер кооперация асосида берилди.

Жавпая массиви ҳам туман ижтимоий тараққиётда муҳим ўрин тутди. Олой тоғ тизмаларига тутташиб кетган адирлиқдан шу кунга қадар унумли фойдаланилмаган. Чунки сув йўқ эди. Аслида, адирлиқ пастидан Қалъага ариғи оқиб ўтади. Аммо ундан сув олиш иншооти қурилишини лойиҳалаш, сармоя топишга ҳеч ким бош бўлиб, ташаббус кўрсатмаган.

Инсон манфаати йўлидаги ҳаётбахш ислохотлар натижасида муаммога ечим топилди. Бу ерда янги сув кўтариш насос станцияси қуриб битказил-гач, 223 метр баландликка сув чиқарилиб, Жавпая-га обихаёт келди.

Секундига 200 литр сув тортиш қувватига эга 5 та насос станцияси қурилди. Натижада 1000 гектар ерни фойдаланишга кириштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Дастлабки босқичда 230 гектарда интенсив усулда ўрикзор боғлар барпо этилиб, 50 сотихдан ер кооперация асосида аҳолига бўлиб берилди. Ўрик

боғлари оралигида полиз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, ҳосил олинмоқда.

— Тумандаги 1940 гектар янги ерни ўзлаштириш борасида амалий ишлар олиб боришмоқда, — дейди Сўх тумани ҳокими ўринбосари Муслимбек Мавлонбеков. — Экин майдонлари ишсиз, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга берилмоқда. Интенсив усулда экилган ўрик кўчати 3 йилда ҳосилга қиради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 50 сотих эрда ўрик етиштирган оила бир масумда 100 миллион сўм, 5-6 йилга бориб, 400 миллион сўмдан ортиқ даромад олади. Лойиҳанинг афзаллиги шундаки, малакали агрономлар кўчатлар парвариши, ирригаторлар эса томчилатиб сугориш жараёнини назорат қилиб боради. Айни кунда бу йўналишда 3 та экспортёр қорхона ташкил этилди. Шу кунга қадар кооперация аъзолари томонидан етиштирилган 15 миллиард сўмликдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари харид қилиниб, 1 миллион доллар сархил сабзавот экспорт қилинди. Шунингдек, 200 гектарда малиначилик, 500 гектар ерда картошкачилик, 300 гектарда полизчилик йўналишида кластерлар ташкил этиш устида иш олиб боришмоқда. Бу мева-валарни қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ички ва ташқи бозорга олиб кириш имкониятини беради. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши ҳисобига 4000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

“Лембур” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Вилоятхон Мирзаевага Жавпая қир-адирлари бегона эмас. Ёшлик хотиралари мужассам ушбу маскан бу қадар обод бўлиб, боғу роғлар буй кўрсатишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.



— Ўн икки йилдирки, оилам, яқинларимдан узоқда иш излаб, тирикчилик қилишга мажбур бўлгандим, — дейди соҳибкор аёл боғ оралаб. — Менга меҳнат мухожир сифатида томчилятиб сугориш тизими бор тайёр ўрик боғи бепул беришди. Боғдорчилик кооперациясига аъзо бўлдик. Ўйдагилар билан маслаҳатлашиб, кўчатлар орасига полиз экинлари эқдик. Даромадимиз чакки бўлмади. Биринчи ҳосил — тарвуз пишди. Беш тоннадан ортиқ ҳосил териб олдик. Даромад 10 миллион сўмдан ошди. Экинларни парваришлаш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, тайёр маҳсулотни сотиш борадида амалий қўмак берилаётгани айни мuddао бўлмоқда.

Бу ерда сизими 32 минг метр куб бўлган сунъий сув ҳавзаси барпо этилди. Баъзи сабаблар бўлиб, насослар ишламай қолган тақдирда ҳам бу гид-роиншоот экинларни узлуксиз сув билан таъминлаш имкониятини беради. Ҳар бир литр сув автوماتик ҳисоб-китоб қилиб борилади. Замонавий ускуналар ер намлигини ўлчабди ва ҳар бир кўчат вегетация жараёни учун керакли миқдорда сув билан таъминланади. Янги тизим сув сарфини 65 фоизгача тежайди.

— Яқин-яқинга қадар бу яйдоқ далаларга келгани кўрқардик, — дейди “Лембур” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Равзахон Ҳакимова. — Сувсизлик, эътиборсизликдан дашту бибёбона айланиб кетган янтоқзорлар қилишга ваҳима соларди. Энди бу ер тош-шағалдан иборат тиканзор эди, десангиз ҳеч ким ишонмайд. Ҳама нарса ўзгариб кетди. Қишлоқ ахли учун янги имкониятлар яратилгани дастуруҳонлар тўқинлиги, кўт-барака рамизи сифатида қадрланмоқда. Шунча майдонга сув олиб бориш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган. Бугун бекор ётган ерлар обод бўлди. Маҳалламизда ишсиз ёшлар, уйда ўтирган хотин-қизлар кўп эди. Улар ўз боғ-роғлари, мўқим даромад манбаларига эга бўлгандидан хурсанд.

Янги ерлар ўзлаштирилиши ҳисобига ҳудудда янги инфратузилма яратилди. Адирликка олиб борувчи йўл қурилди, электр тармоқлари тортилди, хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. Вилоят Факултада вазиятлар бошқармаси томонидан тоғ шароитидаги ноқулай об-ҳавода юзаса келиши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан ҳимоялаш бўйича зарурий чоралар қурилди.

— Илгари иккита одам тўпланса, қишлоқда иш йўқлиги, қийинчилик ҳақида гап очиларди, — дея сўхбатга қўшилида экинлар парваршичи билан андармон Дилшода Исроилова. — Энди бекорчининг ўзи йўқ. Ҳамама учун иш топилди. Турмуш ўртомим Россияга ишлагани кетганди. Янги боғ берилгандан хабар топиб, ортага қайтди. Ҳар тонгин яхши ниятлар билан қарши оламиз. Экин сугориш, тагини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳосилни йиғиштириб олишдек кундалик амаллар билан бандмиз. Бу ерда меҳнат қилиб, яхши даромад олиш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Мева-ли боғлар ораларига ловия, мош экандик, яхши ҳосил олдик. Аввало, рўзгор, ортингичи бозорга олиб чиқиб сотамиз.

Жавпаяда ҳаёт қайнайди. Кечагина фақат янтоқларга куч берган бу замин обихаёт туфайли қайта тирилди. Эзгу мақсад йўлида умид билан экилган ниҳоллар кундан-кунга кўкка буй чўзмаган. Бу сўхликларнинг ризқи, берилган имконият ва имтиёзларнинг амалдаги самарасидир.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.uz_news



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

“

Ўзбекистон глобал ва минтакавий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда, унинг халқро ташаббуслари, айниқса, Марказий Осиё минтақаси муаммолари, хусусан, Орол денгизи, камбағалликка қарши курашиш ва ижтимоий ривожланиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тақдирлари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар халқро миқёсда эътироф этилаётгани ҳам мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини оширмоқда.

Ўзбекистон ва БМТ:

ГЛОБАЛ МУАММОЛАРГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ОДИМЛАРИ



Обид ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президенти 2020 йилда БМТ Бош Ассамблеясида қатор янги халқро ташаббусларни ўртага ташлади. БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқро кодексни ишлаб чиқиш, Бош Ассамблеянинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги резолюциясини қабул қилиш, камбағалликка барҳам бериш ва унга қарши курашиш масалаларини БМТ Бош Ассамблеяси сессияси асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммит ўтказиш шулар жумласидан.

Президентимиз ушбу нутқида 2017 йилда илгари сурилган ташаббусга асосан минтақамиз давлат раҳбарларининг учрашувлари мунтазам ўтказиб келинаётгани, шунингдек, Оролбўйи минтақаси учун БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст фонди тузилганини қайд этиб, Бош Ассамблеянинг Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида резолюциясини қабул қилишни, ушбу ҳужжат қабул қилинган санани эса Халқро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кўни, деб эълон қилишни тақдир этди. Бундан ташқари, Президент Марказий Осиё мавзусини давом эттирар экан, БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очилиши, шунингдек, 2021 йилда Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқро форумини ўтказишни тақдир қилди.

2021 йилда Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясида видеомурожаат билан сўзга чиқиб, пандемияларга қарши курашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мувофиқлаштирувчи ролини кучайтириш тарафдори эканлигини билдирди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс матни эса БМТ расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш ва камбағалликни қисқарттириш муаммоларини ўрганиш бўйича халқро конференцияни Тошкент шаҳрида ўтказишни тақдир қилди.

Худди шу сессияда Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2020 йилда ўзи илгари сурган Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳақида резолюциясини қабул қилинган учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари Бош Ассамблеянинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Бундан ташқари, 2023 йилда БМТнинг Атроф-муҳит бўйича олтинчи ассамблеясини Ўзбекистонда юқори самвияда ўтказиш тақдир қилинди.

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг бугунги энг долзарб масалалари бўйича позицияси жуда фаол ва унинг кўпгина тақдирлари аллақачон ҳаётга татбиқ этилган ёки амалга ошириш жараёнида.

Иқтисодий юксалиш мақсадлари

Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблеянинг жорий йилги сессиясида Ўзбекистондаги ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, “Ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини давом эттириш” ниятида эканини билдирди.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ушбу нутқни юқори баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ва орта қайтмас тус олган ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашини қайд этди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсад ва вазибалари кўлами, унинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўлиқ мос келиши алоҳида таъкидланди.

Президентимиз ўз нутқида изчил ислохотлар натижасида глобал таҳдидларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларини намоён этаётганини таъкидлади. Сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим баробардан зиёд қўйиди. Бизнинг асосий мақсадимиз 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна икки баробар оширишдир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий мақсадларидан бири “Одамларни ҳаётдан рози қилиш учун барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш”дир. Ўзбекистоннинг аҳоли жон бошига ЯИМи ҳозирги 2200 доллардан 4000 долларга, яъни 55 фоиз — ярмидан кўпрогига ўсиши билан “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириши бу мақсаднинг асосий йўналишидир. Ўзбекистон аҳолисининг ниятда жадал демографик ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу 2030 йилга бориб, иқтисодиёт икки баробар эмас, балки сезиларли даражада кўпроқ, деярли бугунгидан икки баробар кўп ўсиш кераклигини аңлатади (2022 йилда Ўзбекистонда ЯИМ биринчи марта 80 миллиард доллардан ошди).

Ушбу мақсадга эришиш учун иқтисодиётда хусусий сектор ролини оширишга қаратилган ислохотлар янада чуқурлаштирилади. Давлат улушига эга корхоналар сонини 6 баробар қисқартириш, иқтисодиётдаги нодавлат сектор улушини 85 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда. Темир йўл хизматлари кўрсатиш, автомобиль йўллари қуриш ва бошқариш, газ ва электр таъминоти хусусий секторга ўтказилиши. Монопол тармоқларнинг бозор тамойилларига изчил ўтиши давом эттирилади.

суръатларини таъминлаш учун етарли бўлмайти. Шу боис, экспорт салоҳиятини ҳам ҳар томонлама ошириш зарур.

Бунинг учун “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказган ҳолда экспорт имкониятларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу 2022 йилдаги 19 миллиард долларлик экспорт даражасидан икки баробар кўпдир. Шу мақсадда ташқи бозорда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлайдиган Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Жаҳон савдо ташкилотига кириш эса экспорт имкониятларини кенгайтириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу Ўзбекистон маҳсулотлари дунёнинг ақсарият мамлакатлари бозорига киришидаги тўсиқларни камайтиришга ёрдам беради.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўли ортага қайтмайди

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ҳақида тўхталар экан, халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буюн камбағаллик даражаси икки баробар камайгани, 2030 йилгача эса 7 фоизга тушириш режалаштирилганини қайд этди. Шунингдек, БМТ Бош қотиби томонидан илгари сурилган иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади ва унинг доирасида 2024 йилда БМТ шафелигида “Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл” бутунжаҳон конференциясини Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қилди.

“

Ўзбекистон Президенти БМТ сессияси давомида “Минтақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда”, дея қайд этишига асос бўлди. “Аминманки, халқро ҳамжамиятининг қўллови билан Марказий Осиё бирдамлик йўлидан боришда давом этади”, деди давлатимиз раҳбари.



рилган. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини ташкил этиш кўзда тутилган эди ва бу тизим ҳаётга татбиқ этилмоқда. Туманларда “ягона дарча” тамойили асосида ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ижтимоий ҳимоя марказлари очилди. Ҳар бир маҳаллада профессионал ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиб, туғуруқ таътилидаги аёллар учун онлайн режимда ишлаш тизими жорий этилади. Шу билан бирга, маҳаллани ривожлантириш ва ободонлаштириш учун солиқларнинг бир қисми бевоси-

рақамлаштирилади ва тиббий сўғурта тизими жорий этилади. Аҳоли “кафолатланган тиббий хизматлар тўплами” билан бепул таъминланади, С гепатити касаллигини даволаш эса тўлиқ давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон

Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясида Марказий Осиёда ҳамкорлик ҳақида гапирга туриб, “Биргалликдаги савдо-ҳаракатларимиз туфайли Ўзбекистон барча қўшнлари билан давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлмоқда. Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо икки ярим баробардан зиёд, қўшма корхоналар сони эса беш марта ўсди. Минтақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда”, дея таъкидлади.

Минтақа давлатларининг бундай яқинлашиши Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси билан боғлиқ. Биринчи саммит 2018 йилнинг март ойида Қозоғистон пойтахтида, иккинчиси 2019 йилнинг ноябрида Тошкентда, учинчиси 2021 йилнинг августда Туркменистоннинг “Аваза” туристик зонасида, тўртинчиси 2022 йил июлда Қирғизистоннинг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган эди.

Бешинчи маслаҳат учрашуви яқинда — жорий йил 14 сентябрда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида ўтказилди. Унинг доирасида минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун муҳим бўлган ҳужжатлар — Ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битим, Марказий Осиёда қуруқлик транспортининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги битим, Миллий координаторлар кенгаши тўғрисидаги низоми, 2022-2025 йилларда Марказий Осиёда саломатлик ва фаровонлиқни қўллаб-қувватлашга доир “йўл харитаси” имзоланди.

Ўзаро келишилган сиёсат юритилиши ортидан минтақа мамлакатлари ҳам хорижий инвесторлар учун, ҳам сайёҳлар учун, ҳам транспорт йўлакларини ишончилиги нуктаи назаридан янада жозибадор бўлиб бормоқда. Бу бугунги транспорт ва логистика бекарорлиги шароитида жуда муҳимдир. Ўзбекистон Президенти БМТ сессияси давомида “Минтақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда”, дея қайд этишига асос бўлди. “Аминманки, халқро ҳамжамиятининг қўллови билан Марказий Осиё бирдамлик йўлидан боришда давом этади”, деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, нутқда Марказий Осиё аҳолисининг деярли ярми ёшлар экани, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, айниқса, долзарб аҳамиятга эгаллигига эътибор қаратилди. Шу муносабат билан БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш тақдир қилинди. Унинг доирасида “Марказий Осиёнинг ёшлар кўн тартиби — 2030” дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги ҳам айтилди.

Иқлим ва экология ўзгариши

Дунёдаги мураккаб экологик вазият ҳақида гапирга туриб, Шавкат Мирзиёев “Ана шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиясига қарши курашиш давом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдига энг заиф минтақалардан бирига айланимоқда”, деди. Хусусан, кейинги йилларда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим даража кўтарилди, музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Яқин йигирма йилда минтақадаги икки йирк дарё — Амурдари ва Сирдарё оқими 15 фоиз қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоиз камайиши қўтилкоқда.

Агар ўз вақтида зарур чоралар қўрилмаса, бунинг оқибатлари минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон БМТ Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлади ва Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “БМТ — сув ресурслари” механизминини ишга солиб, энг илгор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдори бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этишни тақдир қилди ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжихатлик” резолюциясини қабул қилиш ташаббусини ўртага ташлади. Унинг асосий мазмунини эса келгуси йил Самарқандда бўлиб, ўтадиган халқро иқлим форумида муҳокама этиш тақдир қилинди.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва экологияни яхшилаш учун кенг қўламдаги чоралар қўймоқда. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга йўналтирилган сиёсат натижасида мўқоиб энергетиканинг энергия тизими умумий қувватидаги улуши ҳозирнинг ўзида 14 фоизга етди ва 2030 йилга бориб, бу улушни 40 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдонда қуруқчиликка чидамли усимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Янги стратегияда Оролбўйидаги ўрмон массивлари майдонини 1,6 миллион гектардан 2,3 миллион гектаргача ошириш, мамлакат бўйича яшиллик даражасини эса 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, сувни тежаш мақсадида 2030 йилгача барча экин майдонларини сув тежовчи технологиялар асосида сўғоришга ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг 2017 йилда бошланган янги сиёсати нафақат мамлакат ичинда тубдан иқтисодий ислохотларга, шунингдек, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясига, балки дунё халқро ҳаётида БМТ каби глобал институтлар даражасида фаол иштирокига ҳам урғу беради.

Ўзбекистон глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда, унинг халқро ташаббуслари, айниқса, Марказий Осиё минтақаси муаммолари, хусусан, Орол денгизи, камбағалликка қарши курашиш ва ижтимоий ривожланиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тақдирлари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олиниб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар халқро миқёсда эътироф этилаётгани ҳам мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини оширмоқда.



ЖСТга кириш нима учун долзарб?

“Иқтисодиётимизни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазибал яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишдир”, деди Президентимиз ўз нутқида. Ҳозир қўллаб таъминлаш геосий қарама-қаршилиқ шароитида ЖСТ ўз роли ва аҳамиятини йўқотаётганини айтса-да, Ўзбекистон учун бу ташкилотга аъзо бўлиш долзарблигига қўлмоқда.

Аҳолининг харид қўбилияти етарли эмаслиги туфайли ички бозор сиғими чеклангани сабабли иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар муносиб турмуш даражасига эришиш учун зарур иқтисодий ўсиш

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилмоқда. Масалан, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 2,3 миллион. Ажратилган маблағ ҳажми 7 баробар оширилди, йилгига 11 триллион сўмга етди. Бунинг натижасида ўтган йили 1 миллион, жорий йилнинг биринчи чораларида эса 210 минг киши камбағалликдан олиб чиқилди.

Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш масаласига келсак, сўнгги олти йилда қарийб 300 мингта хонадон ва яқна тартибдаги турар жой барпо этилди, бу ўтган йиллардагига нисбатан 10 баробар кўпдир.

Келгуси йилларда Ўзбекистонда бу йўналишда ҳам қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режалашти-

та маҳаллага йўналтирилади. Бундан ташқари, янги дастурда барча аҳоли пунктларини тоза ичимлик сув билан таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, қўшимча 1 миллион арзон уй-жой қуриш белгиланган.

Инсон капитални ривожлантириш

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида “Инсон капитални ривожлантириш ва креатив ёш авлодини тарбиялаш — Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазибалардан биридир”, деди. Сўнгги йилларда таълим тизими тубдан ислох қилинаётгани қайд этилди. Ўтган олти йилда мактабгача таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизгача, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизгача ошди. “2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабда беш йилдан оғиб қолмаслиги ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилади”, деди Президент.

Шу жиҳатдан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг етакчи устувор йўналиши “Ҳар бир инсоннинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қўлай шароитлар яратиш” экани катта аҳамиятга эга. Стратегияда болаларни эрта ёшдан бошлаб ривожлантириш, тарбиялаш ва ўқитишга эътибор қаратиш ҳамда мактабгача таълимга бўлган эътиёни тўлиқ қўриқдиш ва 2030 йилгача уни 100 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Агар ўтган йилларда мактаб таълими соҳасида қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилган бўлса, 2030 йилгача “Илигача беш юз минг ўқувчи ўрни” дастурини амалга ошириш ва мактабларда 2,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

2030 йилга қадар соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қатор муҳим вазибалар қўйилди. Соғлиқни сақлаш тизими

Тожимурод ЭРГАШЕВ,
Бандихон тумани “Хўжайпоқ
Тошкент” қўшма корхонаси
бош директори

“ Давлатимиз раҳбарининг 18 августдаги фармонида мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда намуна кўрсатаётган 44 нафар юртдошимиз юксак мукофотлар билан тақдирланди. Улар орасида мен ҳам “Мехнат шухрати” орденига сазовор бўлдим. Байрам тадбирида ушбу орденни Президентимиз кўксимга тақиб қўйди ва самимий тилаklarини билдирди.



рур бўлади. Бунинг учун трансформатор харид қилиб, анча олис манзилдан сим тортишга тўғри келди. Шу йили адирликни текисладик ва

10 гектарига 1 минг 300 туп бодом, минг туп ток, 230 туп нок кучатлари эдик. 1,2 гектарга экилган пиёз, 0,6 гектар ердаги саримсоқ пиёз, 5 гектар майдондаги бошоқли дон ўша йилиёқ яхши ҳосил берди. Кейинги йили ерларимизни яна кенгайтириб, 2,5 гектар майдонда пистазор ташкил қилдик. Айни кунда яна 70 гектар адирликдаги ерни ўзлаштириш режасини тузганимиз. Аукционга ҳужжатларимизни топшириб қўйдик. Насиб этса, бу жойлар ҳам боққа айланади.

Хўжайпоқ маҳалласи ҳудудида лойиҳа қиймати 220 миллион сўм, шундан 130 миллион сўми ўзимизнинг маблағ, 90 миллион сўми банк кредити асосида 100 ўрилли давлат-шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти қурапмиз, тез орада ишга тушади. Ўндан ортиқ хотин-қиз доимий ишли бўлади.

Маҳалламиз, айниқса, олис қишлоқнинг ўзига хос муаммолари бор. Йўлни асфальтлаш, электр таъминотини яхшилаш, ободонлаштириш ишларига

600 метр баландда 9,2 минг кубометр сифимли ҳовуз барпо қилдик. Ҳовузга ҳам сув насос ёрдамида кўтарилади. Сув тежовчи технологиялар ўрнатдик.



ҳисса қўшиб, кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келяпмиз.

Шу йилнинг август ойи ўрталари эди. Туманимиз ҳокими кўнгирок қилиб, самимий табриклади. Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида иштирок этиш учун Тошкентга боришим керак экан.

Аслида, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан аввалги учрашувларида илгари сурган гоя, тақдирларини диққат билан тинглаганман, катта куч-қувват ва руҳ олганман. Президентимизнинг ишончи ва далдаси ишбилармонларнинг кундалик таянчига айланган, режаларига қанот берган. Бинобарин, шу сана — 20 август мамлакатимизда “Тадбиркорлар кўни” сифатида нишонланади.

Рости, катта ҳаяжон билан Халқаро конгресс марказига келдим. Йилгилан тадбиркорларнинг аксарияти серғайрат

ёшлар эди. Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ишбилармонларни байрам билан табриклаб, эзгу тилаklarини билдирди.

— Ҳар бир мамлакатда тадбиркорлар катта куч-қудрат бўлиб келган. Ўзбекистонимизда ҳам иқтисодиётни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллаларни обод этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунга энг катта ҳисса қўшаётган ким? Тадбиркорлар! Сизлар ҳар бирингиз қаҳрамонсиз, фидойисиз. Биз сизлар билан фахрланамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Кўтаринки руҳда ўтган мулоқотда жуда кўп масалалар кўтарилди ва тадбиркорларни ўйлантириб турган ўнлаб муаммолар бирийла ҳал этилди. Масалан, солиқ масаласини олайлик. 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4 фозидан 25 фозигача бўлган

солиқ ставкалари ўрнига ягона 4 фоззли солиқ ставкаси жорий этилган эди. Бунда биз каби олис ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоззли ставкалар сақлаб қолинган.

Президентимиз бу ўзгариш моҳиятини содда қилиб тушунтириб берди. Олдинги тартиб бўйича “обороти” бир йилда 100 миллион сўм бўлган тадбиркор 4 миллион сўмдан 25 миллион сўмгача солиқ тўлаган. Энди эса ягона ставка — 4 миллион сўм тўлайди, холос. Бу савдо айланмаси миқдоридан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Яъни, масалан, 1 миллиард сўм айланмага эга бўлганлар 250 миллион ўрнига 40 миллион тўлайди.

Яна бир муҳим янгилик — агар тадбиркор ўз хоҳиши билан 20-30 миллион сўм солиқ тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ўша ҳисоботни солиқ идораларига юбориши шарт бўлмайди. Бу орқали тадбиркор, биринчидан, 1 миллиондан камроқ солиқ тўлайди, иккинчидан, қоғозбозлиқдан озод бўлади.

Ушбу ўзгаришлар микро бизнес эгаларида келажакка ҳавотир ҳиссини йўқотди. Чунки солиқ ставкасининг турли даражалари борлиги учун улар имкон қадар пастроқ солиқ ставкасида юриш ҳаракат қиларди, бу эса, ўз навбатида, айрим қонунбузарлиқлар ва яширин иқтисодиётни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Шу билан бирга, жорий йил 1 январдан кичинча ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солигининг фақат 50 фозини тўлайдиган, мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фозиди давлат ҳисобидан қўллаб бериладиган, соддалаштирилган солиқ, молиявий ва статистика ҳисоботлари жорий этиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 18 августдаги фармонида мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий қудрати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришда намуна кўрсатаётган 44 нафар юртдошимиз юксак мукофотлар билан тақдирланди. Улар орасида мен ҳам “Мехнат шухрати” орденига сазовор бўлдим. Байрам тадбирида ушбу орденни Президентимиз кўксимга тақиб қўйди ва самимий тилаklarини билдирди.

Меҳнат қилган элда азиз, деб шунга айтсалар керак. Яна бир ҳаёт ҳақиқати шундаки, ишбилармонлик ёш танламайди. Мана, етмишни орта қолдирганимга қарамай, адирликдаги боғимизни бир юз ўн гектарга етказиш, ўн гектар лимонарий барпо этиш, янги сув ҳавзаси, болалар учун спорт майдончаси қуриш орзуниятларим бор.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

КВАНТ КОМПЬЮТЕРЛАР

ТЕХНОЛОГИК ИНҚИЛОБ САРИ ЯНГИ ҚАДАМ



Фазлиддин САТТОРОВ,
журналист

XXI аср технология уфқларини забт этишда улкан марраларни босиб ўтаётган бўлишига қарамай, давр одамиани ҳайратда қолдириш қийин бўлиб қолди. Инсоният атом зарралари қадар микроциплар ярато оляптики, ҳатто уларнинг ишлаш тезлиги ақл бовар қилмас чўққига етган. Гўё бундан ортигини яратиш имкони йўқдек туюлади. Илм-фан эса бир нуқтада депсиниб турмайди. Илм кишиysi янгидан-янги кашфиётларни яратиш йўлида изланиш қилаверади. Сунъий интеллект технологиялари туртинчи саноат инқилобини вужудга келтирган бўлса, ахборот-коммуникация соҳасида яна бир кашфиёт — квант компьютерлар амалиётга кириб келди.

Биз ҳар кўни квант технологиялардан фойдаланамиз. Аммо бунга кўп ҳам аҳамият бермаймиз. Квант физикасиз замонавий электроника (компьютерлар, смартфонлар, планшетлар, маиший техника), юқори тезликдаги интернет ва сунъий йўлдош навигацияси (GPS) бўлмайди. Аммо кремнийли яримўтказгичлар, интеграл микросхемалар, компакт дисклар, флеш хотира, оптик толали кабеллар, LED чироқлар, қуёш панеллари, МРТ, электрон микроскоплар, лазерлар, атом соатлари, ядро ва термоядро қуроллари, атом электр станциялари, ҳатто ҳали ўзлаштирилмаган термоядровий синтез — буларнинг назарий асослари ўтган асрнинг 20-30-йилларида яратилган биринчи квант инқилоби саналади.

Энди иккинчи квант инқилоби даври бошланмоқда. Бу алоҳида квант зарралар ва уларнинг ҳолатини бошқариш имконини берадиган технологиялар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Мазкур инқилобнинг локомотиви эса ушбу мақолада муҳокама қилинадиган квант компьютерлардир.

Квант компьютер сирли ва жозибали буюмдек туюлади, бугунги қарашлар билан ифодаласак, аслида ҳам шундай. Бу қурилма ўзимиз уйда, ишхонада, таълим муассасаларида фойдаланадиган, эндиликда “мумтоз” деб аталадиган компьютернинг тақомиллаштирилган шакли. “Мумтоз” компьютерлар процессорларининг ишлаш тезлиги ва ҳисоблаш кучи техник имконият жиҳатидан чегарасига анча яқинлашиб бўлди. Чипдаги транзисторлар

сони ва ўлчами микрометр миқёсида ич-чамлашган бўлиб, энди у чексиз кўпайиши мумкин эмас.

Транзисторнинг ўлчами атом ҳажмига яқинлашганда, мумтоз компьютер ўрнига ўз-ўзидан квант компьютерга эҳтиёж туғилади ва бу янги технологик даврни бошлаб беради, деган қараш пайдо бўлган. Пешма-пеш ишлаб чиқарилаётган электрон қурилмаларни қураётган квант илхосмандлари аллақачон инсоният бўшлиқдан текин қувват оладиган ўта тез ва арзон квант компьютерлар, смартфон ҳамда интернетдан фойдаланадиган, маълумот, энергия ёки материални бир зумда телепортация қиладиган, чексиз масофаларга қарамай, объектлар билан контактсиз ахборот алмашадиган ёрқин квант келажагини тасаввур қилмоқда. Лекин квант компьютер яратиш имконсиз, деб таъкидлайдиган мутахассислар ҳам йўқ эмас.

Квант компьютернинг биринчи моделлари ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида тақлиф қилинган. 1980 йилда америкалик таниқли физик олим Пол Бенюфф Тьоринг квант ҳисоблаш йўналиши бўйича машиналарни тавсифлаш учун Шредингер тенгламасидан фойдаланган, бу квант механикасининг асосий тенгламаси ҳисобланади. 1981 йилда эса квант электродинамикаси асосчиларидан бири, Нобель мукофоти совриндори Ричард Фейнман Массачусетс технология институтида ўтказилган ҳисоблаш физикаси бўйича биринчи конференцияда маъруза қилди ва квант тизимининг эволюциясини

моделлаштириш мумкин эмаслигини таъкидлади.

Шундай бўлса-да, тадқиқот ва изланишлардан сўнг квант компьютер яратиш мумкинлиги ҳақида ҳулосага келинди ва ҳозирча Google, Microsoft, IBM сингари йирик компаниялар уни ишга туширишга ҳаракат қиляпти.

2017 йилда ҳисоблаш технологиялари келажаги масалалари бўйича АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда IBM компанияси 50 кубитли квант компьютер устида иш олиб борилаётганини маълум қилган бўлса, 2019 йилда Google Силикон водийси лабораториясида оддий компьютерлар 10 минг йилда ҳам бажара олмайдиган амални атиги 3 дақиқаю 20 сонияда бажарувчи компьютер яратди. Ниҳоят, жорий йил ёзда Google жуда кучли квант компьютер яратди. Янги тизим, Google маълумотларига кўра, аввалгисидан 241 миллион марта кучлироқ ва энг кучли Frontier суперкомпьютери 47 йил ичида ечадиган муаммони 6,7 сонияда ҳал қила олади. The Telegraph бундай қувватни квант устунлиги деб атади.

Бунинг сабаби нимада? Албатта, “мумтоз” компьютер ҳисоб-китобларни амалга ошираётганда сонни 2 дан бошлаб ҳар бир натурал сонга навбат-ма-навбат, қолдиқсиз бўлиб чиқади. Квант компьютери эса математик амални бир вақтнинг ўзида қўллаб фазовий кенгликда ҳисоблайди. Агар компьютер 300 кубитли бўлса, бу масалани ечишда унда 2³⁰⁰ параллел фазовий кенглик иштирок этишини аналтади.

Ҳали “мумтоз” компьютер ёки смартфонларни квантта алмаштиришни орзу қилаётган бўлсангиз, шошилманг. Гап шундаки, квант компьютер ишлаш учун махсус шарт-шароит талаб қилады. Мувофиқ суперпозиция ҳолатига эришиш учун кубит тизимини ташқи дунёдан бутунлай ажратиб олиш ва уни ўта фавқулодда паст ҳарорат — 272 даражагача совитиш керак бўлади. Таъкидлаш кераки, кинотда энг паст ҳарорат 273,15 даражагача бўлади, холос. Ўндан паст бўлмайди. Ҳозирча пастки температура квант процессорли сим ва чиплардан иборат қурилмани фақат мураккаб капсулалардан фойдаланган ҳолда лабораторияда ёки “қандид” шаклидаги махсус музлаткичда ишлатиш мумкин. Чунки юқорида айтилган кубитлар айнан шу шароитда барқарор бўлади. Квант компьютерда қанча кубит бўлса, уларни суперпозицияда сақлаш шунчалик қийин кечади. Аввало, бундай ўта совуқ ҳароратни ҳосил

қилишнинг ўзи мураккаб иш, иккинчидан, паст ҳарорат ҳосил қилинган тақдирда ҳам уни барқарор тутиб туриш ундан-да қийин бўлади.

Асосий тўсиқ декогеренция, яъни зарралар атроф-муҳит билан аралашиб кетиш ва ташқи дунёга маълумот узатишга мойиллигидадир. Сўнгги пайтларда мутахассислар декогеренцияни йўқ қилиш



устида фаол ишламоқда. Ҳозиргача улар бир неча ўнлаб кубитларни соф квант ҳолатига кирита олди ва уларни бир сония ичида суперпозицияда ушлаб турди.

“Квант устунлиги” атамасини муомалага 2012 йилда америкалик назариячи физик Жон Прескилл киритган. Бу атама “мумтоз” компьютерда мос вақт ичида қилиб бўлмайдиган ҳисоб-китобларни квант ёрдамида амалга оширишни аналтади.

Келинг, квант компьютерларнинг ривожланиш тарихига назар ташлаймиз. 1998 йили дастлабки 2 кубитли квант компьютер яратилди. 2001 йилда IBM 7 кубитли компьютерда Шор алгоритми ёрдамида 15 хонали сонни қўлаювчиларга ажратди. 2012 йили эса Калифорния университетида 21 хонали сонда натижаларга эришди.

2016 йили Google 9 кубитли квант компьютерда водород молекуласини моделлаштирди. 2019 йилда IBM дунёдаги биринчи тижорат квант компьютер — 20 кубитли Q System Опени тақдим этди.



2019 йили Google “Sycamore” номли 54 кубитли квант процессорли компьютер ёрдамида “мумтоз” суперкомпьютер 10 минг йилда бажарадиган ҳисоб-китобни 200 сонияда амалга оширди.

АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги фақат квант компьютерлардан ҳимояланган постквант криптография алгоритмларига ўтishни тавсия қилады. АҚШ Конгресси эса жорий йил январда барча давлат хизматларига буну мутлақ бажаришни буюрган.

Квант компьютер ҳеч қачон “мумтоз” компьютер ўрнини боса олмайди, деган ҳулосага ҳам келиш мумкин. Оддий компьютер амалга оширадиган қўлгина ҳисоб-китоблар аслида амалда фойдасиз. Аммо қўллаб вариантлар орасидан тўғрисишни танлаш керак бўлганда унинг иш унумдорлиги самарали ҳисобланади. Ҳозирча квант устунлигига эришиш ҳақидаги даъволар асоссиз. Чунки квант компьютер фақат аниқ белгиланган ҳисоб-китобларни амалга оширишга қодир. Технологиянинг ҳозирги даражасида у универсал бўла олмайди ва бир қатор параметрлар бўйича “мумтоз” компьютердан ўзи ҳам кетолмайди. Аксинча, у оддий компьютерга қўшимча сифатида ишлатилиши мумкин.

Технологиянинг кейинги ривожланишини башорат қилиш деярли мумкин эмас, чунки унинг қўлланиш доираси янги муаммоларни пайдо қилады.

Мамлакатимизда ҳам квант физикаси соҳасида янги давр бошланмоқда, мазкур йўналишда йирик тадқиқотларга киришилмоқда. Бу борада илм аҳли ўзaro ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга ҳаракат қиляпти. Хусусан, Самарқанд давлат университети муҳандислик физикаси институтида жорий йил августидан “Квант наноструктуралли материаллар ва квант технологиялар” мавзусида халқаро семинар ташкил этилди. Ўнда олимлар ушбу тармоқ истиқболларини муҳокама қилди.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш ҳамда пероксидлар асосидаги квант кубитлар учун материаллар синтез қилишдан иборат. Мазкур материаллар ҳозирги кунда жаҳоннинг қўллаб лабораторияларида тадқиқ қилинмоқда. Агар ушбу марказ фаолияти яхшиланса, юртимиз илм-фанида сезиларли даражада ўзгариш кузатилади. Шунингдек, марказ фан ва технологияга интеграциялашган бўлиб, талаба ва тадқиқотчилар илмий ишлар қилады.

“Квант” маркази илмий лабораторияларида олимлар тадқиқотлар ўтказиши мумкин.



АБАДИЯТГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Жонибек АЛИЖОНОВ,
Отабек ҲОЖИБЕКОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Битта тилни билган бир киши, иккита тилни билган икки киши, ҳуллас, инсон нечта тилни билса, шунча кўпайиб бораверади, деган қараш бор. Бу “Тил билмоқ — эл билмоқ” ҳикматиға ҳамоҳанг бўлиб, она тили билан бирга чет тилларни ҳам мукаммал ўрганиш глобаллашиб бораётган бутунги давримиз талабига айланиб улгурди.

Барча замонларда тил билган, илм эгаси бўлган кишиларга ҳурмат билан қарашган. Улар жамиятнинг илгор аъзоси сифатида кадрланган, фарзанд тарбиясида ўрнак қилиб кўрсатилган. Бу ҳақда маърифатпарвар Аваз Утар бобомиз шундай ёзиб қолдирган: *Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек, Билмакка они ғайрат этинг, фойдали кондур.*

Бугун баъзи вазирлар, давлат ва жамоат арбобларининг чет тилларда эркин сўзлашига ҳавас қиламиз. Бу, айниқса, халқаро тадбирлар, сиёсий муҳокама-лар чоғида кўзга ташланса, ҳар биримиз фахрланамиз. Мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларимизнинг чет тилларда бурро гапириши ҳам ҳавас қилишга арзийди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ўтаётган нуфузли халқаро тадбирларда ўзбекистонлик талабалар ҳам фаол иштирок эта бошлади. Улар хориждан келган меҳмонларга, расмий делегация вакиллариға таржимонлик қилиб, бир нечта тилда эркин сўзлаша олиши, энг муҳими, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларида бўлаётган ўзгаришларни чет тилларда ифодалаши билан назарга тушаётгани бор гап.

Булари билан янги Ўзбекистонда таълимга қаратилган катта эътибор, чет тилларни ўрганишни рағбатлантириш, хусусан, бочкадан то олий таълим тизимигача қулай имконият ва шароит яратилаётгани самарасидир. Жумладан, мактаб дарсликлари тақомиллаштирилиши, бепул тил ўрганиш платформалари яратилиши бу борадаги ҳаракатлар изчиллигини таъминлайди.

Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 апрелдаги “Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ҳам йилгит-қизларнинг чет тилларни ўрганишини рағбатлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Негаки, шу қарор билан халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юқори балл (даража) олган ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини тўлиқ қоплаб беришнинг маъмурий регламенти тасдиқланиб, 5 та халқаро имтиҳон тизими (IELTS, TOEFL, GMAT, GRE, SAT), 2022 йил 1 январдан бошлаб яна 13 та имтиҳон тизими бўйича имтиҳонларда юқори балл тўплаган ёшларга имтиҳон топшириш харажатини тўлиқ қоплаб бериш йўлга қўйилди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салохиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароит яратиш йўналишида умумий ўрта таълим тизими янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилди, жумладан, таълим ташкилотларига ҳар йили “тил эгалари” бўлган 500 нафар хорижий мутахассисни жалб этиш мақсад қилинган эди.

Бу мақсад янги ўқув йилдан бошлаб амалиётга жорий этила бошлади. Ўғли мактабларда хориждан келган чет тили мутахассислари дарс бераётди. Пойтахт-тимиздаги мактабларда бўлиб, уларнинг фаолияти, таълим тизимига муносабати, шунингдек, ўқувчиларнинг хорижийлик муаллими ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

“Ўзимни анча эркин ҳис қиламан”

Юнусобод туманидаги 220-мактабда иш бошлаган Аҳмад Мустафо Мисрдан келган. У хорижий давлатларда инглиз тилини ўргатиш бўйича 13 йилдан ортиқ иш тажрибасига эгаллигини айтди. Шунингдек, юртимизга келишдан олдин Ўзбекистон ва халқимиз феъл-атвори ҳақида кўп сурштирганини ҳам яширмади. Келинг, яхшичи, гапни ўқитувчининг ўзидан эшитайлик.

— Тошкентга келганимча маҳаллий аҳолининг табиати ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотга эга эдим. Лекин билдимки, улар анча савийли. Ҳам-касбарим ва ўқувчилар билан тез тил топшидик. Улар билан ўзимни анча



эркин ҳис қиламан, — дейди Аҳмад Мустафо. — Ўзбекистон ва Миср таълим тизими ўртасида ўхшашликлар йўқ эмас. Менга мамлакатингизда ўқитувчилар учун яратилган шароитлар маъқул бўлиб турибди. Мисол учун, ақли доскалар. Бу дарс ўтишда, тил ўргатишда қўлайлик яратади. Ўқувчиларнинг инглиз тилини ўрганишга қизиқиши ҳам эътиборга молик. Уларга тил ўргатиш, таълим бериш менга жуда ёқаяпти.

Айниқса, Ўзбекистонда 1 октябрь кунини муаллимлар байрами нишонла-нишни мени қувонтирди. Бу байрам биз учун қадри. Чунки Мисрда ҳам ўқитувчилар кунини алоҳида байрам қилинади. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз гапириб берганидан билдимки, бу кунини нишонлашда ўхшаш қадриятларимиз кўп. Масалан, биз томонда байрам муносабати билан мактаб маъмурияти ўқитувчиларга турли совғалар улашади. Бу ўзига хос ҳурмат ифодаси ҳисобланади. Энг завқлиси, ўша кунини ўқувчиларимиз, уларнинг ота-оналаридан кўп-кўп миннатдорлик сўзларини эшитишдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонлик ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан табриклайман! Уларга муваффақият тилайман. Байрамни мароқли ўтказинг ҳамда буюк иш қилаётганингизни ҳаммаша ёдда ту-тинг, дегим келадди.

“Ўқитувчи фақат ўқитиши эмас, ўрнат ҳам бўлиши керак”

Хорижий ўқитувчилардан яна бири Янгиҳаёт туманидаги 288-мактабда иш бошлаган. Филиппиндан келган устознинг исми Майла Де Леон.

Биз Майла хонимдан ўзи учун янги мамлакатнинг янги мактабдаги илк таассуротларини ҳақида сўрадик.

— Тошкентга келганимга қадар Ироқнинг Бағдод шаҳрида ҳамда Бри-



тания халқаро мактабларида дарс берганман, — дейди муаллима. — Ростини айтсам, бу ерга биринчи марта келганимда бир оз ҳаяжонландим. Мактаб

биноси олдида болалар гул билан қутиб олди. Ўқитувчилик фаолиятимда бундай ҳурматга ҳеч қачон дуч келмаган эдим. Биринчи кунданок жуда хурсанд ва хуш кайфиятда иш бошладим. Ўзбекистон ва Филиппин таълим тизими орасида баъзи ўхшашликлар бор. Бироқ катта фарқ шундаки, бизда аксарият фанлар инглиз тилида ўқитилади. Жумладан, математика, табиятшунослик, тарих, ҳатто жисмоний тарбия машғулотлари ҳам инглиз тилида олиб борилади. Ўз тилимизда ўқитиладиган ягона фан — филиппин тили.

Бу мактабда ҳам ўқувчиларнинг тил ўрганишга иштиёқи кучли. Уларнинг кўпчилиги инглиз тилида бемалол мулоқот қилаётгани менга қўлайлик туғдирмоқда.

Шубҳасиз, дунёнинг исталган бурчагида ўқитувчилар ўқувчиларни яхши ўқишга рағбатлантириш истагида бўлади. Уларнинг жамиятдаги ролги беқийс. Сабаби, одамлар ўқитувчиларга ўрнак сифатида қарайди. Шунинг учун мен ўқитувчи фақат ўқитиши эмас, ўрнак бўлиб ўқувчиларнинг дунёқарашини ва маданиятини ҳам ўзгартариши керак, деб ҳисоблайман. Токи биз уларнинг эркин шахс даражасига етишгунча қадар асосий маспахатчиси бўлайлик.

Ўқувчилардаги интилишнинг кучлиги мени янада кўпроқ билим беришга ундайди. Айнан бу мактабда шундай ўқувчиларни жуда кўп учратялман.

Бугун мен ишлаётган даргоҳ давлат мактаби бўлгани учун ресурслар хусусий мактабларга қараганда бир оз чекланган бўлиши мумкин, лекин халқаро мактабларда орттирган тажрибамдан максимал фойдаланишга ҳаракат қиламан. Тан олиш керак, бу ростдан ҳам бир оз қийин.

Ўқувчилар ҳам рози

Эъзоза Саидаъзамова Майла хонимнинг Ўзбекистондаги илк шогирдларидан. У инглиз тилини мукаммал



ўрганишни ва келажакда етук мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилган. Бу йўлда эса Филиппиндан келиб, фақат инглиз тилида гапириб сабоқ бераётган ўқитувчининг қадри у учун жуда баланд.

— Ростини айтсам, филиппинлик устозимнинг тил ўргатиш, дарс бериш услуби бизга жуда маъқул бўляпти. Қўқ беш дақиқа қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоламиз, чунки устозимиз машғулотларда фақат дарслик билан чекланиб қолмасдан, ўз ҳаётидаги қизиқ ва ибратли воқеаларни ҳам ҳикоя қилиб беради. Бу бизнинг инглиз тилини тушуниш қобилиятимизни ошириш билан бирга, бошқа давлатлар ҳақидаги тасаввурларимиз бойишига ёрдам бермоқда, — дейди Эъзоза.

Бугун халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар кузатишмоқда. Қайси соҳа, қайси жаҳонга назар солсанг, янгила-нишлар гувоҳи бўласиз. Ислохотлар шуқуҳи илм-фан, таълим ва ёшлар ҳаётига тегишли сиёсатда ҳам яққол кўзга ташланади. Шу ўринда савол туғилади: бундай қўлаб-қувватлов ва эл-юрт ишончига ёшларимиз жавоб қандай бўлиши керак?

Ҳар бир йилгит-қиз қалбиде абадиятга дахлдорлик ҳисси жўш уриб туриши лозим. Бу, биринчидан, миллий ўзлики йўқотмаслик, юрт ишқи билан яшаш, иккинчидан, чет тилларни мукаммал билиш, учинчидан, замонавий ахборот технологияларини республика ва халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаши, илмий унвон ва даражаларга эга бўлишга қараб устамалар берилиши эртанги кунга ишонч билан яшаган ҳамкасбларимиз орзу-умидлари



ЕТКАЗГАНИГА ШУКР! “МАКТАБ БОБОСИ” БЎЛГУНЧА БОСИБ ЎТИЛГАН ЙЎЛ ШУКРОНАСИ

Қосим ота ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

Ҳали-ҳамон эсимда: 2013 йил сентябрь охирида директоримиз хонасига чақириб, “Домла, сиз қишлоғимиз, туманимиз тарихини ўрганиб, музейлар ташкил қилдингиз. Энди мактабимиз ўтмишини ҳам тадқиқ қилиб, музей очиб берсангиз”, деди. Эртаси кунини педагогик кенгашда директор сўзга чиқиб, мактабимизнинг 80 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ва мактаб тарихи музейини ташкил этиш хусусида гапирди. Менга ҳам сўз берилди. Шундай қилиб, мактабимиз тарихи музейини очилиши зиммамга олдим. Буни топшириқ эмас, виждон амри деб қабул қилдим.

Нега? Чунки... Ота-онамдан эрта айрилиб, 1963 йил-гача энам (хотам) Ҳадияхон Тоштанова қўлида тарбия топдим. Ўша йили у ҳам вафот этгач, 11-мактаб-интернат (ҳозирги Бекобод туманидаги 11-мактаб)да ётиб, ҳам ишлаб, ҳам 10-11-синфларда ўқидим. Мактаб йўлланмаси билан Самарқанд давлат университетиде тарих фани бўйича таҳсил олдим. Ўқиниш тугатиб, қадрдан таълим масканимга қайтдим. Шундан буён — қарийб 60 йилдан бери шу даргоҳда ишлаб келмоқдаман. 1973 йили педагогик жамоамиз никоҳ тўйи-ми ўтказиб, мактаб кутубхонасини уй қилиб берди. Махсус бўйруқ асосида мени “Мактаб фарзанди” деб эълон қилишди. Бир етим болани ота-она ўрнида бағрига олиб, қамолга етказган, уйли-жойли қилган мактабнинг тарихи ҳақида тўхталмасам, инсофдан бўлмас.

Манбаларга қўра, мактабимиз 1934 йил январь ойида фойдаланишга

топширилган. Унда таълим ўзбек ва рус тилларида эди. Дастлаб у 4-мактаб деб юритилган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари мактаб қийин аҳволга тушиб қолган. Чунки кўплаб ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари урушга кетган. Урушнинг биринчи кунлариданок мактабимиздан 32 киши кўнгилли бўлиб фронтга жўнаган. Ҳатто мактаб директори ҳам кетган.

2003 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” унвони, 2009 йили “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Турли вазирлик ва идораларнинг кўқрак нишонлари ва фахрий ёрлиқлари билан муқофотландим. Ортимда қолган умримга қараб, кўнглим ғурурга тўлади. Менга бағрини очган қадрдон даргоҳнинг беминнат нонини оқлаб яшаётганимдан севинаяман.

Унинг ўрнига мактабимизга биринчи аёл директор тайинланган.

Фронт учун кийим-кечак, озиқ-овқат, металл йиғилган. Кўплаб оилалар моддий қийинчиликка дуч келгани сабабли баъзи ўқувчилар ўқиниш ташлаб кетишга мажбур бўлади. Уруш давридаги қийинчиликларни эслаб, кейинчалик мактабимизда узоқ вақт кимё-биологиядан дарс берган бир муаллим бундай дегани эсимда: “Уруш йиллари юқори синфда ўқир эдим. Бир синфдошим оиласини боқиб ушун дарсларга келмай, пахта заводига ишга кирибди. Дадам бундан хабар топиб, синфдошимнинг уйига борган ва уни ўқиниш давом эттиришга кўндирган. Ўша йилларда дадам мактабимизда тарих фанидан дарс беради. Синф раҳбаримиз эди. Бунини қарангки, кейинчалик ўша синфдошим Ўзбекистондаги таниқли шахслардан бири бўлиб етишди”.

Урушдан кейин юртимизга кўчириб келтирилганлар кескин қўлайгани туфайли ўқувчилар сонини ҳам ошиб кетди. Айниқса, рус, корей, татар, украин, беларус миллатига мансуб ўқувчилар кескин қўлайгани учун алоҳида рус мактаби очил шарафати вуқудга келди. Тахминан 1956 йилда туманимиздаги мактаблар сонини 40 дан ошган эди. Ўша йили туманимизда мактабларга

якка рақамлар берилди. Бизники 11-ўрта мактаб бўлди. Юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилар кучи билан мактабга қўшимча биналар қурилади. Кутубхона ва узоқдан келиб ишлайдиган ўқитувчилар учун турар жойлар барпо этилади. 1963 йили таълим муассасаси мактаб-интернатга айлантирилиб, узоқдан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун ётоқхоналар қурилади. Улар учун бе-

пул овқатланиш жорий этилди. Бошланғич синф ўқувчилари учун тушлик уюштирилиб, дарсдан кейин уй вазифалари тайёрлатилар, дам олиш ташкил этилади. Уларга алоҳида тарбиячилар қарар эди.

Бу йил мактабда иш бошлаганимга 60 йил тўлади. Мана шу вақтда 7 нафар директор билан ишладим. “Мактаб фарзанди” бўлиб келгандим. Ҳозир “Мактаб бобоси” даражасига етдим. Ота-онасиз қолган, хотам ва тоғаларим меҳрини кўрган эдим. Улардан кейин жамоам меҳрини туйиб яшаялман. Бунга жавобан меҳринини халқнинг болаларига бердим. Билимга қўшиб, қалб қўримини улашишга интилдим. Давлатимиз сазй-ҳаракатларимини эътибордан четда қолдирмасди. 2003 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” унвони, 2009 йили “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Турли вазирлик ва идораларнинг кўқрак нишонлари ва фахрий ёрлиқлари билан муқофотландим. Ортимда қолган умримга қараб, кўнглим ғурурга тўлади. Менга бағрини очган қадрдон даргоҳнинг беминнат нонини оқлаб яшаётганимдан севинаяман. Эҳтимол, у бўлганганида ўқитувчиликдек улўғ касб этагидан тутиб, шогирдлар эҳтиромини қўришдек бахтдан бенасиб бўлардим. Етказганига шукр!

ҲАММА БИЛМАЙДИГАН СИР ЁХУД ЎҚИТУВЧИЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚАНДАЙ САҚЛАБ ҚОЛИНГАН ЭДИ?

Гулсанам ИБРОҲИМОВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети нафақат мамлакатимиз, балки ўз вақтида Марказий Осиё давлатлари учун педагог-кадрлар етиштириб берган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири. Ўзим ҳам шу даргоҳни муваффақиятли тамомлаб, 20 йилдан бери ёш авлодга педагогик сир-асрорларини ўргатиб келялман.

Бошланғич 1-бетда

Бироқ яқин тарихимизда мақсуд касб эгалари ўз қадрини йўқотган, ёш авлодга илм бериш ўрнига қишлоқ ҳужалиги, ободонлаштириш, қурилиш ишларига жалб қилинган, турли ташкилотлар томонидан фаолиятига боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажаришга мажбурланган даврлар бўлди. Халқнинг боласини биллимли, маънавиятли, ватанпарвар этиб тарбиялашга бел боғлаган педагогларимиз ўқитувчилик шарафли касб эканини ич-қичдан ҳис этган, ҳатто касб байрамини ҳам ўзгача шароитда нишонлашга мажбур бўлган эса-да, эртанги кунга ишонч билан қараб, жамиятда ўқитувчининг обрўси, қадр-қиммати ошадиган, шарафли улуғландиган кунлар келишига умид билан яшади.

Мамлакатимиз ривожланишининг янги даврига қадам қўйган дастлабки кунларданок ўқитувчиларга муносабат тубдан ўзгарди. Галнинг индаллосини айтганда, муаллимлар елкасига ҳам офтоб теғди. Ислохотлар натижаси ўларок, педагогнинг жамиятдаги обрў-эътибори, қадр-қиммати ошиб, моддий аҳволи ўнғлана бошлади. Ўқитувчиларнинг таълим даргоҳидаги фаолияти қилиб, пахта далаларидаги меҳнати, ободонлаштириш, фаолиятига боғлиқ бўлмаган ишлар ва мажбурий меҳнатнинг бошқа турларига жалб этилиши ўтмишга айланди.

Ўқитувчиларнинг ойллик иш ҳақи босқичма-босқич оширилаётгани, чет тилини билиши, фанлар бўйича тегишли сертификатга эга бўлиши, эришган ютуқлари, ўқувчиларнинг республика ва халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаши, илмий унвон ва даражаларга эга бўлишга қараб устамалар берилиши эртанги кунга ишонч билан яшаган ҳамкасбларимиз орзу-умидлари



рўёбга чиқаётганининг амалдаги тасдиқидир.

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” ғояси асосида мактаб таълимида кенг қамровли ислохотлар ўтказилаётганини кўриб турибмиз. Юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларидаги фарзандларимизга ҳам шаҳардагидан кам бўлмаган сифатли таълим-тарбия бериш мақсадида шароит яратилаётди. Малакали ўқитувчиларнинг шу ҳудудларга бориб ишлашини рағбатлантириш борасида қўшимча имтиёз ва молиявий қўллаб-қувватловлар бериляпти. Хусусан, “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳасида педагоглар ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланаётгани юртимизда ўқитувчи мақоми юксалиши, муаллим меҳнати қадр топаётганининг яққол исботидир.

Шу ўринда яқин тарихимизда малакали ўқитувчи ва педагоглар тайёрлашга дахлдор бир воқеани баён этмоқчиман. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети нафақат мамлакатимиз, балки ўз вақтида Марказий Осиё давлатлари учун педагог-кадрлар етиштириб берган нуфузли олий таълим муассасаларидан бири. Ўзим ҳам шу даргоҳни муваффақиятли тамомлаб, 20 йилдан бери ёш авлодга педагогик сир-асрорларини ўргатиб келялман.

2015 йили ўз даврида етук олимлар, атоқли шоирлар, моҳир педагоглар меҳнат қилган олий таълим муассасасининг 80 йиллик юбилейи катта тантана билан нишонланди. Юбилей тантаналари ва санага бағишлаб ўтказилган илмий конференцияда қатнашган педагог

олимлар ва хорижий меҳмонлар билдирган фикрлардан руҳланган университет профессор-ўқитувчилари таълимга инновацион технологияларни жорий этиш, халқ таълими тизими учун дарслик ва адабиётлар яратиш борасида янги режалар устида ишлаётган бир вақтда, яъни 2016 йил апрель-май ойларида бир хабар тарқалди. Унга қўра, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети олий таълим муассасаси сифатида фаолиятини яқунлаб, университет таркибидеги факультетлар пойтахтдаги бошқа олий таълим муассасалари таркибига ўтказиларкан. Тошкент шаҳрида доимий руҳиятда турадиган ҳамда пойтахтга яқин Тошкент, Сирдарё вилоятларидан келган талабалардан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан келган йилгит-қизларнинг ўқиниш ўз яшаш манзили бўйича вилоят марказидаги олий таълим муассасаларига қўчирилган экан. Университет профессор-ўқитувчилари, нафақадиги педагоглар, ишчи-ходимлар, айниқса, талабалар бу хабардан саросимага тушиб қолди.

Оравдан муайян вақт ўтгач, жамоани ҳушранд қиладиган янги хабар тарқалди. Педагогика университети олий таълим муассасаси сифатида сақлаб қолинади, бироқ янги манзилда фаолиятини давом эттиради. Шу тариқа педагогика соҳасида шонли тарихга, муаллимлар тайёрлаш бўйича катта тажрибига эга, ўсиб келаётган ёш авлод келажакга билан дахлдор олий таълим муассасаси сақлаб қолинди. Кейинчалик Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўша вақтда Бош вазир бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёевнинг сазй-ҳаракати билан сақлаб қолганини маълум бўлди. Шу сабаб университет жамоаси ва юртимиздаги барча ўқитувчи-мураббийлар давлат раҳбарини таълим-тарбиянинг жонқури, муаллимларнинг гамҳури, ҳимоячиси сифатида эътироф этади. Бу воқеани ҳамма билмайди. Аслида, биз билмайдиган қўллаб қарамонликлар ортида фидойи инсонларнинг заҳмати туради.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларда таълимни ислох қилиш, педагогик фаолиятини самарали ташкил этиш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қадрини улуғлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалалари акс этгангани халқимиз орзу қилган Учинчи Рефессанс пойдеворини қурадиган билимли ёшлар етишиб чиқилишининг кафолатидир.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги муносабати билан фахрий унвонлар, орден ва медалларга муносиб кўрилган бир гуруҳ юртдошларимизни тантанали тақдирлаш маросимини ойина жаҳон орқали томоша қилган чоғда анча ҳаяжонландик. Айниқса, Президентимизга юксак эътибор ва эътироф учун миннатдорлик билдирганлар қаторида “Ўзбекистон халқ бахшиси” фахрий унвонини олган Эркин Ҳуролов самимий изҳорларини бахшиёна услубда айтгани қутилмаган ҳолат бўлди.

Бобомерос дўмбиранинг ҳуш наволари бахшининг жайдари гапларидан давлатимиз раҳбари табассум қилиб, гўёки дўмбира садолари остида юртимизда бахшичилик санъати анъаналарини асраш, ривожлантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларни бир-бир ҳаёдан ўтказётгандек эди. Зеро, бугун бахшиларнинг муносиб авлодларини тарбиялаш йўлида қанчадан-қанча сая-ҳаракатлар қилиняпти. ЮНЕСКОнинг Инсоният номодий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилган ушбу ғўзал ва бетакорор санъат намунасини кенг оммалаштириш учун барча имкониятлар яратилди.

Бахшичилик санъатини келгуси авлодга етказишдаги, достончилик санъатини мерос қолдириш юзасидан олиб бораётган самарали меҳнатлари учун Эркин Ҳуролов олган унвон ҳамда Баҳром Раҳимов тақдирланган “Шуҳрат” медални ушбу ноёб санъатга юксак эътиборнинг амалии ифодаси бўлди. Табиийки, бу бахшиларни янада руҳлантириб, ёруғ келажакка ишонч билан эмин-эркин ижод қилишга ундайди.

— Президентимиз қатнашган давлат тадбирларида аввал ҳам иштирок этганман, — дейди Эркин бахши Ҳуролов. — Бироқ ёнлариде туриб, дўмбира чертишнинг масъулияти, ҳаяжони бутунлай бошқача бўлди. Қалбнида қучли бир тўлқинланишми, шунга ўхшаш нимадир кўзгалдию назаримда, дўмбиранинг шўх сўзи, овози билан шу титроқни енгадигандек эдим. Гўёки дўмбирани жонланиб, “мени маҳкам тут”, деётгандек туюлиб кетди. Ҳўитувчи бўлганим ҳолда, шўнчалар ҳаяжонга тушганимдан чекка-чекка қишлоқларда юрт раҳбарини кутиб олган оддий инсонлар қанчалик тўлқинланганини ҳис қилдим. Ижро этган термамда эса одамларимизнинг ўзлари гувоҳ бўлиб турган ишлар, бунёдкорликларни тилга олдим.

Пойтахт шаҳар Тошкентим, Чирой очиб турибди.
Осмонўр паролар,
Жер ости жўллар қурибди.
Ҳайрли ишлар бошида,
Юртбоши ўзи турибди, деган сўзларимни кимлардир мақтовга менгаши мумкин.

Лекин чиндан ҳам ўзгаришлар ҳаммамизнинг кўндаллик ҳаётимизда акс этиб турибди-ку. Тинчлик, тўқинликда яшаётганимизнинг ўзи бир неъмат ахир. Шундай экан, шўкр айтиб, ишимизга меҳр берганча келажакка пойдевор қўйишимиз керакмасми?!

Ихтисослаштирилган санъат мактабиде бахшичиликдан сабоқ бераётган устоз сифатида, насиб қилса, “Авазхон” достони асосида бир китоб тайёрлаш, устозимиз Маҳматмурод бахши ижоди асосида дарслик яратиш ниятим бор. Ва шу мақсадларим йўлида бор қучмини сарфлаб, бахшичиликка умид билан қадам қўяётган фарзандларимизни муносиб тарбиялашга ҳисса қўшаман.

Халқ бахшиси юртимизда таълим, халқ озаки ижоди, айниқса, бахшичилик санъати бугун ғўят улуғланаётганини алоҳида таъкидлади:

— 2018 йили Президентимиз бахшичилик санъатини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунинг асосида Термиз шаҳрида Республика бахшичилик маркази очилди. Шаҳардаги 21-бахшичилик мактаби негизида бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган республика мактаб-интернати ташкил этилиб, қўшимча бинолар, 150 ўринли ётоқхона бунёд этилди. Юнус Ражабий номдаги Миллий мўсиқа санъати институтида Достончилик ва бахшичилик кафедраси ташкил қилингани, Болалар му-



сиқа мактабларида бахшичилик синфлари, Маданият марказларида шу йўналиш бўйича тўғараклар иш бошлаганини айти! Ҳар икки йилда Халқаро бахшичилик фестивали ўтказилапти. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси шу йўналишдаги санъатга берилаётган юксак эътибор деб биламан.

Шўнга жавобан эндиликда бахшиларимиз миллий байрамларимизда, халқ сайилларида, давлат тадбирларида фаол

қатнашиши, ўз устида тинмай меҳнат қилиши, устозларидан ўрганган достон ва термаларни бус-бутунлигича келажак авлодга етказиши керак. Бу борада Республика бахшичилик марказининг ўрни катта. Аввало, юртимиздаги жамийи бахшиларнинг бошини бириктириб турибди. Марказнинг бевоСИта эътибори туфайли чекка-чекка қишлоқлардаги бахшилар ҳам тадбирларда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Мана шунинг ўзи эркин ижод қилишга кенг йўл очилганидан далолат.

Ҳа, машаққатли меҳнат ўз самарасини беради. Эркин Ҳуролов номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш давлат дастури асосида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш баробарида, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кўнтўғмиш” каби достонларни қўйлаб, ёш авлодга етказиб келмоқда.

“Шуҳрат” медални соҳиби, устоз-шоғирд ҳамда оилавий сулолавий анъаналар силсиласини давом эттириб келатган Баҳром

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ЎТКИР СЎЗИ БИЛАН ЮКСАЛАР МИЛЛАТ ЁХУД ОЛИЙ АДАБИЁТ КУРСИНИ ТИКЛАШ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
ўқув-методика бўлими бошлиғи

Миллатнинг тарихий хотираси унинг адабиётида намоён бўлади. Адабиётнинг инсоният ҳаётидаги беқиёс роли ҳақида кўп ва ҳўп айтилган. Аммо барибир яна таъкидлаш керакки, инсон онгу шуурини, тафаккурини кенгайтиришда ҳеч бир омил адабиётнинг ўрнини босолмайди. Адабиёт бу миллатнинг тили, ўзлиги, тарихи, орзулари, интилишлари, изтироблари, армонлари, қадр-қиммати деганидир. Ижтимоий, маданий, маърифий, сиёсий соҳаларда янада олдинга юришимиз, тақомилга эришишимиз учун адабиётимиз юксак даражада ривожланган бўлиши, бунга замин яратилиши керак.

Халқимиз орасида бадий сўз билан миллатдошларига ва дунёга юзлашаётган ижодкорлар кўп. Ҳамма замонларда ҳам ижодкорлар асарининг таъсири янада юқори бўлишини, китобхон онгу шуурини тўс-тўполон қилиб юборишини истаган. Зеро, китобхонни сўз оламидаги хайратли ифода-лар ўзига чорлайди. Ана шу хайрат фондада бутун инсониятини зўгулчиқа, ҳаллолчиқа, инсон шарофига муносиб бўлиб қолишча қачирадиган ғўялар тажассум топади. Демакки, ҳар қачон миллат адабларини юксалтириш учун мавжуд барча қадларни топа олиш, уларни йўналтириш лозим. Улкан адабиётимиз, юксак маънавиятимиз ва маданиятимиз, кучли миллий мафкурамиз бўлмай туриб, биз узоққа боролмаймиз.

Инсоният қачон урушларни тўхтатади? Қачон турли иллатлардан фориғ бўлади? Қалби тозарганда, маданияти ва маънавияти юксалганда.

Маданият қандай юксалади, қалбни қандай қилиб асраш мумкин? Бунга таянч омиллар кўп. Лекин улар қаторида, албатта, бадий китоблар мўтолааси қайд этиб ўтилади. Зотан, бадий асар инсон қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, тафаккурига, ҳис сифатида шаклланишига энг қучли таъсир кўрсатуви бебаҳо ҳазинадир. Ундан ҳаёт фалсафасини чуқур ўрга-

ниш, ахлоқ иммунитетини шакллантириш, одамийлик сифатларини камол топтириш мумкин.

Ижодкор ёшлар ўзлари ҳўрмат қилган, ижодини севиб ўрганадиган жамондош шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослардан сабоқ олишни исташини, лекин бунга имкон топа олмаётганини таъкидлайди. Бу долзарб масала ҳамма замонларда ижодкорларнинг устоз-шоғирдлик муносабатларида акс этган.

Адабиётимиз тарихига назар ташласак, олий адабиёт курслари катта истеъдодларни шакллантирганига гувоҳ бўламиз. Маълум даврлар борки, ижодкорларнинг асарлари фавқулодда ўзгачалиғи эътироф қилинади. Буни кўпинча ўша даврда адабиёт бўйича устоз-шоғирдлик анъаналари мавжудлиги, ижодий муҳит ва шарт-шароитга боғлайдилар.

Ўз қизиқиши ва имкониятига кўра, турли йўналишдаги олий ўқув даргоҳида таълим олган, лекин истеъдодли ёшларни бирлаштирадиган бундай ўқув курслари фақат айрим мамлакатлардагина бор эди.

Собиқ тузум даврида Москвадаги Олий адабиёт курси ҳам ўзбек ижодкорлари учун ўзига хос катта мактаб вазифасини ўтаган. Унда тахсил олган шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларида дунёга сўз айтиш истаги



яққол сезилиб туради. Жўмладан, Ҳаким Назир, Жўрнид Абдуллахонов, Жўманиёз Жабборов, Юсуф Шомансур, Гўлчеҳра Нўрўллаева, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳалима Худойбердиева каби ижодкорларнинг қандай авж пардаларда ижод қилганини яхши биламиз. Абдулла Шер, Мўхаммад Али, Тўра Мирзо, Яхё Тоға, Вафў Файзулло, Гўзал Бегим каби таниқли ижодкорлар эса бугун ҳам фаол адабий-ижтимоий фаоллият олиб бормоқда. Уларнинг Олий адабиёт курсида олган сабоқлари ижодий тафаккурни ўсишида қанчалик муҳим ўрин тутганини ижодий ишлари яққол кўрсатиб турибди.

2000 йиллар бошида Ўзбекистон Миллий университети ва Ёзувчилар уюшмаси қўшида Олий адабиёт курси ташкил қилинган эди. Бу курсда кўплаб иқтидорлар тахсил олган. Улар қаторида Хўсият Рўстамова, Даврон Ражаб, Гўлжамол Асқарова, Ҳаёт Шодмон, Гўлчеҳра Зокирова, Шодмонкул Салом, Адиба Умирова, Дилрабо Мингбўева, Мўхаммад Сиддик, Мўҳиддин Абдус-

мад каби ўз услўбига эга ёзувчи ва шоирлар ижодини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Афсуски, кейинчалик негадир фаолияти тутатилган ушбу Олий адабиёт курси ҳақида ёшлар кўп йиллар ҳавас билан сўзлаб юрди. Юқори савиядаги адабиёт сабоқларига бугун ҳам эҳтиёж борлигини ижодкорлар ўқинч билан таъкидлайди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қўшида Олий адабиёт курси ташкил этилди. Қарорда Олий адабиёт курси мўтахассисликлари бўйича тегишли малака талаблари, ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши белгиланб берилди. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Олий адабиёт курсига бакалавр даражасига эга бўлган ва адабиёт соҳасида ўз ижодий қўбилиятини намоён этган ижодкорлар Вазирил Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ танлов асосида қабул қилинди. Қўвонарлики, Олий адабиёт курсига йиллик қабул квоталарининг 40 фоизи бюджет ва 60 фоизи тўлов-контракт асосида бўлиши режалаштирилган ва амалга ошириб келинаётган эди. Бу адабиётга ихлоссонд ёшларга жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари мўтолааси, бадий ижод сирлари, сўзининг улкан қўдрати борасида сабоқ берадиган ўзига хос ўқув йўналиши эди. Курсда ўқиш кўплаб ёшларнинг орзўсига айланди. Унга кириш учун ижодкорларнинг қанчалик ҳаракат қилгани ва ошқанига гувоҳ бўлганмиз. Ижод аҳли ва зўғилилар орасида Олий адабиёт курсига ва унинг битирувчиларига катта ишонч бор эди.

Олий адабиёт курсида тахсил олганларнинг жуда кўпи бадий ижод билан шуғулланади. Ҳўйётган вақтларида ҳам турли маънавий-адабий соҳаларда, нуфузли

даргоҳларда фаол меҳнат қилиш билан бирга қизгин ижод билан машғул бўлган. Башорат Отажонов, Меҳриноз Аббосова, Хўриш Абдурашид, Дилрабо Нўркулова, Сўҳроб Зиё, Нарғиза Одинаева, Отабек Одил, Хўсан Мақсудов, Дилмурод Дўст, Анвар Ботир, Азамат Худойберганов, Нўзима Ҳабибўллаева, Камолитдин Оғамқўлов каби кўплаб истеъдодли ёшлар бор бу сафда.

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ўртасида қўшма ҳўжжат ишлаб чиқилиши, маҳорат дарслари жадавллари тузилди. Аммо Олий таълим даргоҳлари ўқув талабларидан келиб чиқиб, маҳорат дарсларини тизимли ташкил этиб бўлмади. Турли вақтларда Олий адабиёт курси тингловчилари учун Эркин Аъзам, Усмон Азим, Қўзқўбўй Йўлдош, Ҳамидўлла Болтабўев, Сўвон Мели, Иқбол Мирзо, Эшқобил Шўкур каби забардаст ижодкорлар билан сабоқлар ташкил этишга келишилган бўлса-да, улар, асосан, ижодий ўрачувлар кўринишини олди ва ижодкорлар билан тизимли равишда маҳорат дарслари олиб борилишига кенгрок имкон яратилмади. Ёшларга замонавийнинг устоз ижодкорлари томонидан давомли сабоқлар ўтилиши лозим эди. Олий адабиёт курсининг дарслари орасига биз тақлиф этаётган ва ҳар бир ижодкор томонидан ойда бир марта ўтилиши мўлжалланган маҳорат дарсларини сиғдириб бўламиз. Ижодий ўрачувлар ҳам тингловчиларда катта таассурот қолдиргани шўбҳасиз. Бироқ бир неча йил аввал ушбу Олий адабиёт курси ҳам турли сабабларга кўра тутатилди.

Бугунги кўнда ҳам ижодкор ёшлар учун бундай Олий адабиёт курсига катта эҳтиёж мавжуд. Умуман, биз — аждодларга муносиб бўлишга, дунёга арзирли сўз айтишга, китоб тутишга интилаётган миллатга дунё

ва ўзбек адабиёти билимдонлари, адабиётшунос олимлар томонидан сабоқлар бериладиган Олий адабиёт курси жуда зарур. Уни Ўзбекистон Миллий университети қўшидами, ё Алишер Навоий номидаги илм даргоҳидами, албатта, тиклаш, ўқув курсининг нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги макҳомини кўтариш лозим. Таълимдаги дарс жадавллари, белгиланган тартиб-қоидалардан бир оз чиқиб, адабиёт яратувчилари учун янгиликлар киритиш, янгича ёндашувларга диққат қилиш керак бўлади. Чўнки истеъдодлар ўзларига йўналтирилган муҳит, сўхбатлар, мўқоясалар майдониде бўлишни истаиди. Ижодкорнинг вақти эса шўнчаки вақт эмас. У ҳаёт чегараси ва ўлимни тан олмайдиган, замон танламайдиган, дунё қалбига таъсир кўрсатадиган чинакам ижодий мерос яратиши мумкин.

Бадий асарнинг миллатни қиёфасизланишдан асрашдаги энг муҳим ўрни шўндаки, унда тил бойлиғи, миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий инсоний фазилатлар акс этади ва сақланиб қолишга хизмат қилади.

Олий адабиёт курси ижодкорларимиз юрағи ёниб интиладиган тахсил тури, тил ва адабиёт фани майдони, қайнок ижодий мўхитга айланса, ажаб эмас. Унинг ўқув машғўтлари жадавлига бошиданқўзига хос, янгича ёндашиш, машғўтларни адабиёт яратувчилари учун мос тарзда шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўқув курсининг атрофида бутун ижод аҳли тўпланиши, фавқулодда истеъдодлар эса хоҳ ўқувчи, хоҳ ўқитувчи бўлиб жараёнда фаол иштирок этиши ёш ижодкорларга ўзгача шўжват бағишлаши алоҳи. Курснинг аттестация комиссияси ҳам алоҳида шакллантирилиб, комиссия таркиби ўз асарлари билан халқ қалбидан жой олган забардаст ижодкорлардан иборат бўлса, нур устига нур.

Фаолият жараёнида Олий адабиёт курсининг адабиёт байрамлари, ижод кечалари ташкил этилиб, ёш ижодкорлар бундай давралардан ва ижодий мўхитдан илҳомланиши, эътиборга молик ташаббуслари, лойиҳалари билан жамиятимизнинг фикри ўткир зўғилилари сафидан жой олиши аниқ. Зеро, адабиёт миллатнинг кўзгусидир.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.